

## Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади

15:26 / 17.03.2021 3996

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қизларининг биттасидан ривоят қилинади:

У зот қизларига тонг отганида:

مَلْعَأُ؛ نُنْكَيْ مَلْ أَسَيِّ مَلْ أَمَوْنَ أَكُ هَلْ لَأَشْ أَمَ هَلْ لِبَابِ الْإِذْ وَقَّ الدَّوْمَ حَبَّ وَ هَلْ لَأَنَ أَخْبُسْ  
أَمْ لَعِ عَيْ شَرُّ لِكَبَطَ أَحْ هَلْ لَأَنَ أَوْ رِي دَقِّ عَيْ شَرُّ لِكُ يَلَعِ هَلْ لَأَنَ أ

**«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, лаа қуввата илла биллаҳи маша`аллоҳу кана ва ма лам йаша` лам йакун. Аъламу анналлоҳа ъала кулли шай`ин қодийр. Ва анналлоҳа қод аҳато бикулли шай`ин ъилма»**, деб айтишни ўргатар эдилар. Чунки бу калималарни тонг отганида айтган киши кеч киргунича муҳофаза қилинади. Кеч кирганида айтса, тонг отгунича муҳофаза этилади.

**Маъноси:** Аллоҳга ҳамд айтиш билан Уни поклаб ёд этаман. Аллоҳдан бошқада қувват йўқ. Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади. Хоҳламаган нарса бўлмайди. Биламанки, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Ва, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсани илми билан ихота қилгандир.

Абу Довуд ривоятлари.

**Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан**